

Mustahkam oila – yurt tayanchi

OILA DAVTRASIDA

№ 18 (364)
2019 - yil
2 - may
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta


Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.



АРОСАТДА

ҚОЛГАН БОЛАЛАР

6-бет



ТАЪЛИМ

2030 йилгача
қандай
ривожланади?



2-бет

Коммунал тўловлар ОЙЛИККА МОСМИ?



3-бет

Шароф Рашидов хати ҚАЧОН ОЧИЛАДИ?



2-бет

ҚИНФИР ЙЎЛ БИЛАН ЎҚИШГА КИРГАНЛАР

ОТМдан
қандай
четлаштирилади



2-бет

uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOBSAVDOTA'MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91Энг сара
китоблар
ассортименти

Президент Сурхондарё вилоятида бўлди

Тўполан ГЭС қуввати

Президент Шавкат Мирзиёев Сарийоё туманидаги Тўполан гидроекстр станциясида бўлди.

Тўполан гидроекстр станциясида ҳар бири 15 мегаватт бўлган иккита агрегат ишлаб турган эди. Давлатимиз раҳбари топириғига мувофиқ, аввалига Тўполан сув омбори тўғони 20 метрга кўтарилди. Натижанда унинг сўғими 380 миллион куб метрдан 500 миллионга етказилди. Аини пайтда жами қуввати 145 мегаваттга яна иккита агрегат ўрнатилиши бўйича иш олиб борилмоқда. Энергия олиш қуввати жами 250 мегаваттга етказилади.



Шарғуннинг сифатли кўмири

Президентимиз Сарийоё туманидаги Шарғун кўмир конида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.



Шарғун кўмир кони кўмир сифатининг юқорилиги, захиранинг кўплиги билан бошқа кўмир конларидан ажралиб туради. Бу ерда аини пайтда коннинг асосий захирасига қараб тоғ этагидан йўл очиб борилмоқда. Бугунги кунгача 2 километрга 216 метр масофада қазилган ишлари бажарилди. Яна 1,5 километр ер ости қазилган сўнг, 33 миллион тонналик асосий кўмир захирасига етиб борилади.

Яна бир йирик лойиҳа

Бойсун туманида янги газ-кимё мажмуаси барпо этилади. Лойиҳанинг умум

мий қиймати 5,2 миллиард АҚШ доллари бўлиб, икки босқичда амалга ошириш кўзда тутилган.

2018-2022 йилларга мўлжалланган биринчи босқичда йилга 5 миллиард куб метр газни қайта ишлаш қувватига эга завод қурилади. «Эрта газ» дастури доирасида 2020 йилдан бошлаб 2 минг 800 метр чуқурликдаги газ қатламидан йилга 1 млрд. куб метргача табиий газ қазиб олинади.



Оқсоқоллар билан сўхбат

Сурхондарё янада ривожлантиришга инвестициялар жалб этиш, ҳудуддаги муҳим ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар, халқимиз турмуш даражасини ошириш ва ёшлар маънавиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Маънавият ва маданият соҳаларига эътиборни кучайтириш, бахшичиликни янада кенг тарғиб этиш лозимлиги таъкидланди.



Сурхон салоҳияти

Президентимиз Сурхондарё вилояти салоҳиятининг ҳали ўндан бири ҳам ишга солинмаганини алоҳида қайд этди Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқир сессиясида.

— Ҳақиқий ахволни гапирган одам бизга дўст. Учрашувимиз ҳамма масалаларни жой жойига қўйиш бўйича фойдали бўлсин, — деди давлатимиз раҳбари.



uz.uz материаллари асосида.

Тошкентдан Андижон ва Самарқандгача пулли йўллар қурилади

Президентнинг «Республика иқтисодиётини тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан «Тошкент — Андижон» ва «Тошкент — Самарқанд» пулли автомобиль йўллари қурилиши қайд этилди.

«Тошкент — Андижон» пулли йўли қурилиши бўйича 2019 йилнинг июнь ойида Жаҳон банки билан консалтинг хизмати кўрсатиш бўйича битим тузиш кўзда тутилган. Қурилиш тендери қолибини эълон қилиш ва у билан битим тузиш муддати 2020 йилнинг декабрига белгиланди. Йўл қурилиши 2021 йилнинг август ойида бошланиши режалаштирилмоқда.

«Тошкент — Самарқанд» пулли йўли қурилиши Туркиянинг «Cengiz Enerji Sanayi ve Ticaret A.S.», «KaneH» ва «Komm» компаниялари консорсуми билан амалга оширилади. Автомобиль йўли маршрутани ўрганиш ва дастлабки ҳисоб-китоб ишларини ишлаб чиқиш 2019 йилнинг май ойига белгиланган. Қурилиш жорий йилнинг IV чорагида бошланиши ва 2021 йил охиригача автомобиль йўли фойдаланишга топширилиши лозим.

Шароф Рашидовнинг тарихий хати қачон очилади?

Сурхондарё вилояти Сарийоё туманидаги «Тўполан» гидроузели ҳудудда таниқли давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидовнинг ёшларга қолдирган тарихий хати сақланган ёдгорлик мавжуд. Бу ҳақда «Ўзбекгидроэнерго» АЖ матбуот хизмати асосланиб «Халқ сўзи» онлайн нашри хабар берди.



Бу хат Шароф Рашидовнинг «Тўполан» гидроузелини қуриш вақтидаги ташрифи давомида қолдирилган. Хат алоҳида махсус идишда ўша вақтнинг ўзида мустаҳкам ёдгорлик ичига солинган. Тарихий ёдгорлик устига Шароф Рашидовнинг ёшларга қолдирган хати тўғрисида ёзилган ва бу хат 2180 йил очилиши лозимлиги айтилган.

Навоийда учта «Book-cafe»

Навоий шаҳри марказида учта замонавий «Book-cafe» ишга туширилади. Бу ҳақда Республика Маънавият ва маърифат маркази матбуот хизмати хабар берди.

Барча замонавий шароитларга эга бўлган ушбу хизмат кўрсатиш шохобчалари жорий йилнинг 1 июнига қадар фойдаланишга топширилади. Шунингдек, шаҳар марказида қурилаётган «Маърифат бекати» ҳам шу йилнинг 1 июнидан ўз фаолиятини бошлади.

Ўзешитдингизми?

Қинғир йўл билан ўқишга кирганлар ОТМдан қандай четлатилади?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 апрелдаги 360-сонли қарори билан олий таълим муассасаларига қинғир йўл билан кирганларга нисбатан чора кўрилишига оид меъёр белгилангани ҳақида ҳуқуқшунос-блогер Хушнуд Худойбердиев хабар берди.



Аниқроғи «Олий таълим муассасалари талабалари ўқиниши кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида»ги низомга қўшимча киритилди ҳамда талабани ОТМдан четлатишга асос бўладиган ҳолатлар рўйхати кўйилган банд билан тўлдирилди:

«3) суд қарорига кўра кириш имтиҳонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланганда (ғушбу ҳолатда талабалар сафидан четлаштирилганлар талабалар сафисига қайта тикланмайди).»

Шунингдек, талабани ОТМдан четлатиш тартибига яна бир ўзгариш киритилди. Эндиликда, талаба ОТМнинг одоб-ахлоқ қоидаларини бузган бўлса ҳам, уни талабаликдан четлатиш мумкинлиги белгиланди. Илгари мазкур бандда фақат ўқув интизоми ва ички тартиб-қоидалари саналган эди.

КОНЦЕПЦИЯ

Халқ таълими 2030 йилгача қандай ривожланади?

Ўзбекистон Президентининг жорий йил 29 апрелдаги фармони билан 2030 йилгача Халқ таълими тизимини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Халқ таълими тизимида сўнгги йилларда учраётган камчиликларни бартараф этиш, бугунги замонга ҳамоҳанг тарзда соҳани ривожлантириш масалалари мазкур ҳужжатда атрафлича кўрсатилган.

Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ва уни жорий йилда амалга ошириш учун йўл харитаси тасдиқланди.

Ҳужжатда халқ таълими соҳасидаги муаммо ва камчиликлар санаб ўтилган. Жумладан:

- болаларни ўқишга қабул қилишда ва таълим жараёнидаги коррупция;
- математика, физика, кимё, информатика, инглиз тили ва бошқа хорижий тиллар ўқитувчиларининг етишмаслиги, тоғ ва чўл ҳудудларида ўқитувчиларнинг етишмаслиги;
- айрим мактабларда ўқувчилар сонини синфда ўқув жараёни сифатининг кескин пайсаяшига олиб келадиган даражада ошиб кетгани;
- дарсликларни яратиш тизимида хилма-хилликнинг йўқлиги уларни яратиш ва нашр қилишни монополаштиришга омил бўлиб қолаётгани ҳамда уларнинг мазмуни, методикаси ва нашр сифатига салбий таъсир кўрсатаётгани;
- мактабларнинг спорт заллари ва майдончалари керакли инвентарлар билан жиҳозланмаганилиги, синф хоналарида ўқув мебель жиҳозлари, лаборатория ускуналари, компьютер техникасининг етишмаслиги,

уларнинг ўз вақтида янгиланмаслиги, бу эса ота-оналарнинг таълим тизимига нисбатан эътирозларига сабаб бўлаётгани;


■ халқ таълими тизимида молиялаштириш ва маблағларни тақсимлаш тизими самарадорлиги ва шаффофлиги таъминланмагани.

Инсон капитални меҳнат бозорига ва умуман мамлакатда ўқувчининг рақобатбардошлик даражасини белгилловчи асосий омил сифатида ривожлантириш халқ таълими тизимининг стратегик мақсади этиб белгиланди.

Мазкур концепция таълим тизимини ривожлантиришнинг бир қатор муҳим йўналишларини белгилаб берди.

Ўзбекистоннинг 2030 йилга келиб PISA (The Programme for International Student Assessment) Халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтингда жаҳоннинг 30 та илғор мамлакатига қаторига киришига эришиш кўзда тутилган.

Ўзи бир танга, тўни қирқ танга



Коммунал хизматлар нархи даромадимизга мутаносибми?

Халқимизда ҳаётий бир ибора бор: қарс икки қўлдан чиқади. Айниқса сўнги вақтларда коммунал хизматларга тўловлар масаласида тез-тез шу ибора ишлатилмоқда. Фойдаландингни, тўлаб қўй! Ҳақиқатда шундай, уйимизнинг домн чароғон бўлиши, жўмрагидан узлуксиз сув тушиб туриши учун уларнинг ҳақини ўз вақтида тўлаб қўйиш керак-да! Аммо танганинг иккинчи томони ҳам борки, буни ҳисобга олмаслик — ғирт адолатсизлик бўлади. Бугун одамлар тўлов интизомига анча-мунча ўрганди. Коммунал тўловлар нархи қанча ошиб бормасин, одамлар тўлапти. Тўламаса ундириб олинмоқда. Бироқ, шунга яраша кўрсатилаётган коммунал хизматлар сифати одамлар талабига, тўғрироғи, бугунги кун талабига жавоб бераётганими? Ошиб бораётган нархлар аҳоли даромадларига мутаносибми? Танганинг иккинчи томони — ана шу!

Мана, яқинда ҳукумат қарори билан 2030 йилгача бўлган даврда республикамизда электр энергия тармоғидаги тариф сиёсатининг асосий йўналишлари тасдиқланди. Аслида вазириликнинг «Хуқуқий аҳборот» канали хабарига маълум қилинишича, ҳужжатда 2023 йилгача тарифларни шакллантириш методикасига босқичма-босқич ўтилиши ҳамда 2023 йилдан бошлаб электр энергияси учун тарифлар камида 3 йил муддатга амал қилиши белгиланган. Қарор билан ўзаро мақбул тарифларни белгилаш орқали истеъмолчилар ва электр энергетика тармоғи ташкилотларининг манфаатлари мувозанатга келтирилади.

Бундан англаш мумкинки, 2023 йилгача электр энергияси тарифлари босқичма-босқич оширилиб, экспертларнинг фикрича жаҳон бозори нархига яқинлаштирилади. Эътиборимизни тортган яна бир жиҳат — нарх миқдори «асосланган» тарифлар билан яратилишидир. Асосланган — яъни нарх 1 кВт электр энергияси ишлаб чиқаришга кетган реал сарф-харажатдан келиб чиқилади.

Буларнинг барчаси яхши. Аммо бизни бошқа савол ўйлантиради: асосли тарифларга босқичма-босқич ўтиш жараёнида аҳолининг электр энергияси учун тўлов қобилияти ҳам «асосланганми»?

От билан туя бўлармиди

«Коммунал тўловларни ҳар ойда тўлаб боришга ҳаракат қиламан. Мабодо, болаларга кийим-кечак олишга тўғри келиб ёки бири бетоб бўлиб бир-икки ой тўлов кечикса, қарзни узишга қийналиб қоламан. Баъзан ўз уйимда ижарада яшагандек ҳис қиламан...», дейди ўз фикрини билдирган пойтахтлик фуқаро-

лардан бири.

Дарҳақиқат, бугун бир оила учун ойлик коммунал тўловлар умумий қиймати қанча бўлади? Келинг, кичик бир рўзгор — эрхотин ва уч нафар ёш фарзанди билан уч хонали уйда истикомат қилувчи оила харажатларини ҳисоблаб кўрайлик:

Электр энергияси. Ушбу хонадонда (кам сарфли LED чиркоқлари, музлатгич, телевизор ва дазмоланган фойдаланишда) ўртача электр сарфи бир ойга — 150 кВт ташкил этди. Бу киловаттга 250 сўмдан 35 500 сўмни ташкил этади. Агар бунга кондиционер ёки ҳовлиларда электр билан ишловчи сув иситгич қўшилса 250-350 кВтгача (62 500 — 87 500 сўм) этади.

Ичимлик сув сарфи фаслга қараб ойига ва 7-9 м³ ни ташкил этди. Бу ўртача (850 сўмдан) ойига 7 минг сўм бўлади.

Тажриба хонадонимизда иссиқ сув қишда ўртача 9-10 м³ ни ташкил этди. Соҳа мутахассислари ҳам яшовчилар сонига нисбатан бу кўрсаткични тасдиқлади. Бу ойига 10х4765,20 = 47 652 сўм.

Маказий иситиш тизими 1 метр квадрат — 1610,99 сўм. «Хрушевка» уйда бу 74 минг-ни ташкил этади. Маълумки, иситиш тизими учун тўлов йил давомида амалга оширилади.

Табиий газ ёзда 35-40 м³, қиш ойларида эса 130 м³ гача фойдаланилган. Унинг нархи (1 м³ — 350 сўм) 14 мингдан 50 минггача бўлади. Ҳовлида яшовчилар қишда газ учун тўловда анча қийналишади: ойига 1000-1200 м³ гача (350 — 420 минг сўм) сарфлайди.

Маиший чиқинди. Жон бошига 4500 сўм. Онланинг беш аъзосига жам 22 500 сўм.

Кўп қаватли уйларда уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш учун уй-жой мулкдорлари ширкатларига хонадон

умумий майдонига нисбатан тариф бўйича тўланади. Бизнинг мисолимизда бу 82 000 сўмни ташкил этади.

Солиқлар. Мол-мулк солиғи 2019 йил учун 180 мингдан ошди (бу ойига — 15 минг сўм).

Коммунал хизматларга кабел телевидениесини ҳам қўшмасдан иложимиз йўқ. Ахир, одамлар газета ўқимаганидан кейин ҳеч бўлмаса ТВ кўриши керак-ку. Бугун кунда пойтахтда кабель ТВ хизмати 25 мингга кўтарилган.

Буларни қўшса, 323 минг сўмдан 385 минг сўмгача етади. Демак, бир оила учун коммунал харажатлар миқдори ойига ўртача 350 минг сўмни ташкил қилмоқда.

Бу камми ёки кўп?

Статистикага кўра, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига реал даромадлари миқдори 1 млн. 719 минг сўмни ташкил этган. Албатта, бу рақам ўртача нисбатда. Ойлик даромадга нисбатан коммунал тўловлар ҳиссаи қанчага тўғри келади? Агар бу рақамни юқоридаги маълумотга нисбатан оладиган бўлсак, бу 20,3 фоизни ташкил этади. Амалдаги энг кам иш ҳақиға (202 730 сўм) нисбатан олинса, 172 фоизга кўп.

Ҳа, бу рақамлар таҳлилга муҳтож эмас. Коммунал тўловларнинг умумий миқдорини даромадимизга мутаносиб деб бўлмайди. Ахир, коммунал тўловлардан ташқари бу оила яшаши ҳам керак эмасми?!

Тўғри, алоҳида олинса, электр ёки иссиқ сув нархи қиммат эмасдек тўё... Аммо тўловларнинг барчаси йиғилса, анчагина пул бўлишига гувоҳ бўлдик. Бежиз эмас, шифохонага тушибми ёки босқач объектив сабаб билан тўлов бир ой кечикса қарздорлик 700 минг, учинчи ойга ўтса миллиондан ошмоқда. Эшигингизда МИБ турибди-да.

Нарх қандай белгиланади?

Коммунал хизматлар нархи йилгига камида икки марта ошяпти. Баъзан иссиқ сув ва иссиқлик таъминоти тарифи уч марта ҳам ошган пайтлар бўлди. Мисол учун, электр нархи ўтган йилиёқ

16 ноябрдан 250 сўм, жорий йил 1 июнидан 280 сўм қилиб олдиндан белгиланган. Бу қиймат қаердан келиб чиққан, қандай омил эътиборга олинган? Ёки июнга келиб қўмир нархи ошадиими?

Ҳа, бизда коммунал тўловлар учун ўрнатилган нархлар қаердан келиб чиққани доимо номаълум бўлиб келган.

Тариф ошиши борасида аҳоли бир ой олдин огоҳлантирилади. Аслида огоҳлантириш хабарида нарх ошиши сабаблари аниқ ва асосли тарзда кўрсатилиши керак эмасми?!

Қачонгача қўмир ёки газ ёқиб электр олашимиз?

Яна бир гап. Коммунал тўловлар нархини белгилувчи асосий омил бу электр ва газ. Агар ҳаётий ресурсларимизни шу иккаласи ўрнини босувчи табиий манбаларга боғламас эканмиз, нарх ўсишини тўхтатиб бўлмайди.

Сўнги йилларда ОАВларда республикамизнинг ҳали у вилоти, хали бу худудда қуёш электр станцияси барпо этилиши, йилгига фалон қувватда электр энергияси ишлаб чиқарилиши борасида бот-бот хабарлар эълон қилинди. Аммо, йиллар ўтса ҳамки бу лойиҳалар сувга тушган тошдек жим-жит бўлиб кетмоқда. Эътибор берсангиз, республикамизда қуёш энергиясидан фойдаланиш борасида ислохотлар негалир олга силжимади... ёки амалдаги монополиядан воз кечишни исташмайди...

Табиий ва арзон электр энергиясидан фойдаланишни йўлга қўймас эканмиз нафақат нарх мутаносиблиги, балки ривожланиш ҳам бўлмайди.

Одамлар розими?

Бугунги иктисодий шароитимиз ва имкониятимизни ҳисобга олсак нарх ўсиши табиий. Биз ҳам кўр-кўрона тарзда нархни пасайтириш керак, демоқчи эмасмиз. Масалага бошқача ёндашайлик. Аҳоли коммунал тўловларни бола-чақаси ризқини кийиб бўлса ҳам, кечикиб бўлса ҳам тўлапти. Аммо коммунал ташкилотлар хизматидан одамлар розими?

Коммунал хизматлар сифати ва муаммолар борасида юзлаб, минглаб мисоллар келтириш

мумкин. Узокка бормаёлик, бу йил баҳор серёгин ва анча салқин бўлди. «Дом»лар захлаб кетди. Иссиқлик тизими эса доимгидек 26 мартданок узиб қўйилди. Мана бир ойдан ошдики, аксарият хонадонини электр печлар ёрдамида иситса, кўпчилик ошхона газ плитасини ёқиб қўйган. Бу иситиш учун қўшимча харажат эмасми? Ёки кимдир фарзандлари шамоллаб, иссиқлик таъминоти учун йил давомида тўлайдиган пулдан ҳам кўп чикимга тушиб ўтирибли-ку? Кузда ҳам аҳвол шу. Уйи яхши исмайдинглар «Тошиссиқкувати» билан уй-жой мулкдорлари ширкати орасида сарсон. Нима учун «асосли нарх» ўрнатилиши адолат тарозисига солинмайди?

Иситиш мавсуми бошланиши ва туташини қайта кўриб чиқиш, иситиш таъминотида харажатни об-хавога қараб баланслаштирувчи тизимни жорий этиш вақти етмадимикан? Марказлашган иситиш тизимдан «якка кўп-қаватли уй» ёки «якка хонадон» иситиш таъминоти тизимига ўтдиган пайт ҳам етиб келди.

Одамларнинг мана шундай ҳақли эътирозлари эътиборга олинса, кўпчиликни аслида мавжуд бўлмаган катта қарздорлик учун судга бериш тўғрисидаги «Тошиссиқкувати»нинг дағдағали хатлари тўхтармиди...

Ёки 40 °C дан паст бўлганда иссиқ сув учун тўлов совуқ сув тарифи бўйича амалга оширилиши керак, деган қоида амалда ишлаган бўлар эди. Ахир, жўмрақни очиб, иссиқ сув исиши учун қанча сув окцизишнингизизнингиз бир ҳисоблаб кўринг!

Сувсоз ташкилотнинг кўп қаватли уйлар атрофидаги дараклар ва гуллари суғоришга мўлжалланган сув тарновларини ёппасига кестириб, ёпиб ташлаганини қандай изохлаш мумкин?

Бутун дунёда маиший чиқиндиларни олиб кетиш нархи одам сонига эмас, чиқариладиган чиқинди массасига қараб белгиланган. Бизда-чи, прописка бўйича... «мусор» чиқарасизми йўқми, барча бир хил. Чиқиндилар эса ҳафталаб «дом» атрофига нохуш ис таратиб тураверади.

Уй-жой ширкатлари хизмати (сифати ҳақида эътириш эрта) билан боғлиқ муаммолари энди бу алоҳида мавзу. Сўнги бир йилда уй-жой мулкдорлари ширкатларига тўлов нархи қарийб икки баробарга ошиб кетишида шикатларнинг бажарилмаган ишга пул ёзиши, арзимас ишга осмон нарх қўйиши ҳам сабаб эмасмикан? ***

Хулоса сифатида айтиш жоизки, коммунал соҳа раҳбарлари фақат қарздорликни ундириш билан эмас, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш борасида ҳам ўйлаб кўришса яхши бўлар эди. Майли, нархлар босқичма-босқич ошиб бори. Аммо пулга яраша сифат ҳам ошин-да.

Бахтиёр ҲАМИДОВ,
«Оила даврасида» муҳбири

Тошкент педиатрия тиббиёт институтида тахсил олаётган кўзлари чақнаб турган ёш ниҳоллар келажақда ўз соҳасини мукамал биладиган мутахассислар бўлиб етишиш мақсадида ғайрат камарини маҳкам боғлаган кўринади.



СЕНДАН БАХРА

Айри тутма мени ёшлигим

*Фақат сен учил нафасимдан,
Сендан бахра топсин бу олам.
Айтмаган сўзларим сендан,
Қилинмаган заҳматларим ҳам.
Мен билан бўл доимо бирга,
Айри тутма мени, ёшлигим.
Тоza сақлай бутун умрга,
Бутун умрим, қора қошигим.*

Ҳа, шеърда мадх этилганидек, ёшлик — инсонда иштиёқ, ғажур, шавқ тўлиб-тошган палла. Шу билан бирга, инсоннинг илм сирларини миридан-сиригача пухта, мукамал тарзда ўрганиб бориши, ўз устида собиткадамлик билан ишлаши ҳам айни шу олтин даврга тўғри келади. Аслида ҳам меҳнатдан қочмаган, дарсдан кейин кутубхонама-кутубхона юрадиган, тафаккур доирасини оширган ёшлардан кўп нарсаларни умид қилса бўлади. Устозлар талаба ёшлар билан ҳар куни рўбару келади. Негаки, улар ана шу ёш ниҳоллар билан ишлашади-да. Шунинг учун ёшларнинг қалбини, руҳиятини, ички оламини, қизиқишларини нозик тушунишга, билишга интилишади. Уларнинг эртаси учун тинимсиз қайгуради. Ҳар дақиқада шогирдларнинг ўзгача меҳр-муҳаббатини, эҳтироми, ихлосини сезиб туради.

Тошкент педиатрия тиббиёт институтида фаолият юритаётган 541 нафар профессор-ўқитувчи йилгитанг истеъдодни илғагудек бўлса, дунёларга сизмасдан уни юзага чиқаришга уринади. Уларнинг қичкинагина муваффақиятидан ҳам худди ота-онасидек терисига сизмасдан қувонади, беҳад шодланади. Шунинг баробарида, устозлар шогирдидан юрагини, қалбини аямайди. Талабалар ҳам ўз наватидида ҳар бир ишни меҳр ва масъулият билан адо этади.

Билим ва маърифат

Аслида билим олиш, ўқиб-ўрганиш ва зиё тарқатишга интилиш азал-азалдан доно, билимини ва маърифатини ниҳоятда кадрлайдиган халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Чиндан ҳам, устоз ўз шогирди тақдирига бефарқ, лоқайд муносабатда бўлмайди. У мудом ўз билимини, бор бисотини шогирдида «юктириш» пайида бўлади. Зеро, инсондаги бор қобилиятни қамолга етказиш устозларнинг беминнат кўмагида, минг бир машаққат билан қилинган тарбия орқали амалга оширилади.

Бугунги кунда Тошкент педиатрия тиббиёт институтида педиатрия иши, касб таълими, даволаш иши, олий ҳамширалик

иши, тиббий биология иши каби йўналишлар бўйича ва йигирма саккиз мутахассислик бўйича магистрлар ҳамда йигирма саккизта мутахассислик бўйича клиник ординаторлар тахсил олади. Институтда учта факультет, ўттиз сакизта кафедра мавжуд. Устозларнинг етмиш бир нафари фан доктори, профессор, икки юз уч нафари эса фан номзоди, доцент илмий даражасига эга. Сўнгги уч йил давомида устозларнинг сайёҳаракати ва изланишлари билан 24 та дарслик, 84 та ўқув қўлланма, 40 та услубий қўлланма, 721 та ўқув-услубий мажмуа чоп этилди. Илмий-тадқиқот натижаларига кўра ихтироларга 38 та патент, ЭХМ (электрон ҳисоблаш машинаси) учун яратилган дастурий таъминотга 14 та гувоҳнома, 2 та ишланмага эса муаллифлик гувоҳномаси олинди.

Болаларни асраш масъулияти

Дунёда боладай самимий, беғубор, кўнглига гард кўнмаган хилкат бўлмаса керак. Чиндан ҳам, инсон бу фаслда худди эрта баҳорда кийгос, чаппар уриб гулланган шафтоли гулларидек нафис ва ёқимтой бўлади. Қизиқиш-у, адоқсиз саволларнинг чек-чекчарига кўринмайди. Дунёдаги бор илмларни миридан-сиригача, мукамал билиб олишга иштиёқли чунонам юксак бўладики, асти кўяверасиз. Қолаверса, бу ёшда унинг соғлом ва тетик қамолга етиши жуда муҳим масала ҳисобланади. Бу эса гўдақ ҳаётидаги жуда кўп омилларга бевосита боғлиқ. Болаларни соғлом улғайтиришда педиатрларнинг ҳиссасини алоҳида эътироф этмай иложимиз йўқ.

Ахир, халқимизнинг «Соғлом танда соғ ақл», «Соғлигинг бойлигинг» деган нақллари беҳуда эмас. Буни бизга ота-боболаримиз жуда ёшлигимиздан қулоғимизга



қуйиб келишади. Мамлақатимизда ўз нуфузи ва салмоқли макенга эга бўлган Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳаётимиз мазмунини ва қувончига айланган болажонларимиз соғлигини асраш ва уларнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан етук бўлиб улғайишлари йўлида олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир. Негаки, юртимизда бу масалага давлат даражасида эътибор қаратилмоқда. Ахир бугунги ёшлар эртанги кунимизнинг муносиб давомчиларидир. Шундай экан, уларнинг соғлиғига, эртанги ҳаётига бефарқ, лоқайд бўлиш асло арамайди.

— Илм даргоҳида тарбия жараёнида инсон зийнати ҳисобланмиш олижаноблик, самимийлик, ватанпарварлик, ҳеч қимдан ёрдамни аямаслик сингари бебаҳо ва танисқ фазилатларни ўсиб келаётган ёшлар онгига сингдиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшаётганимиздан мамнунимиз, — дейди

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Ботир ДАМИНОВ — Ахир ўзингиз ўйланг, эртага олийгоҳни тамомлаган ёш мутахассис албатта, одамлар билан юзма-юз келади. Очқирок айтганда, эл-улус фарзандлари соғлиғи учун жавобгар бўлади. Шу боис устозларимиз улар қалбиди ана шу туйғуларни сингдириб боришга астойдил тиришиб-тирмашмоқда. Қолаверса, мазкур жараёнда Президентимизнинг олий таълим тизимини янада ривожлантиришга йўналтирилган фармон ва қарорлари жуда қўл келмоқда.

Мазкур илм даргоҳи 1972 йилда Ўрта Осиё республикалари учун педиатрларни тайёрлаш мақсадида ташкил этилган машҳур олий таълим масканларидан биридир. Буни қаранг, институт профессор-ўқитувчилари талабаларга билим бериш билан биргаликда,

уларни илмий изланишларга қизиқтириб борадилар. Бу жараёнда улар ўзларининг ҳам илмий даражасини ошириб боришни асло назардан қолдирмайди. Клиника ва консултация ишлари уйғунлашган тарзда олиб борилади. Шунинг учун ҳам илм даргоҳида нафақат республика, балки жаҳон тиббиёт мактаблари ва муассасалари билан ҳам илмий, ҳам таълим соҳаларида ҳамкорлик янги-янги босқичларда изчил давом эттирилмоқда.

Ботир Даминовнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан симуляция ўқув-лаборатория маркази ўтган йилнинг ўзида қуриб битказилди. Спорт мажмуасидан эса чиникишни ният қилган ёшларнинг қадами узилмайди. Бундан ташқари, институтнинг клиникаси янги биноси 2014 йилда фойдаланишга топширилган эди. Мазкур клиникада, болажонларга юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатилади. Уларда институтнинг ўн иккита клиник кафедралари жойлашган. Амалиётлар эса жаҳон андозларига мос тарзда ўтказилади.

Халқимиз фарзандлари тақдирига, уларнинг туриш-турмушига, соғлиғига алоҳида масъулият билан ёндашиб келади. Бу бебаҳо қадрият йилдан-йилга мукаммаллашиб бормоқда. Ахир, ўзингиз ўйланг, энди-энди кўкка бўй чўзаётган ниҳолнинг остини юмшатиб, сув қўйиб турилмаса, уни бевақф, беамарид эсанг, шамоллар ноубуд қилиши, хали омонат турган илдизи билан кўприб ташлаши мумкин. Шунинг учун улар тақдиридан доимо кўз-қулоқ бўлиб турилади. Шу ўринда институтни тугатиб қўлига диплом олган мутахассисларнинг тақдирини ҳам илм даргоҳи мутасаддилари назаридан четда қолаётгани йўқ. 2017-2018 ўқув йилида 28 таълим йўналиши бўйича институтни 986 нафар мутахассис тамомлади. Уларнинг барчаси бугун ўз соҳаси бўйича иш билан банд. Бу ҳам юқорида таъкидлаганимиздек алоҳида эътибор самараси дейиш мумкин.

Ўргансанг ўзасан

Чиндан ҳам хориждаги нуфузли олий ўқув юрти ҳамда етакчи клиникаларида бўлиб, у ерда ўз билим ва қўникмасини ошириб қайтган ёш мутахассисларнинг ўз касбига қизиқиши ўн чандон ортақлиги кўп бор қузатилади. Нега шундай? Сабаби кўпни




All-in-all for good of Children's Health



ТОПСИН БУ ОЛАМ

кўрган, ўрганган одам ҳаётда сираям дор қолмайди. Қолаверса, орттирилган тажриба мудом ўз кучини кўрсатаверади. Шунинг учун ҳам Тошкент педиатрия тиббиёт институти раҳбарияти профессор ва ўқитувчилари, талабаларни билим ва кўникмасини ошириб бориш масаласига жиддий эътибор қаратмоқда. Рост, илм даргоҳида талаба ва устозлар алмашинуви, халқаро микёсдаги учрашувлар ўтказиш, халқаро инвестицияларни ўқув жараёнига жалб этиш, етакчи хорижий олиқ таълим муассасалари ҳамда илмий таълим муассасалари билан илмий ва академик алоқаларни йўлга қўйиш қўламин сезиларли даражада ошди.

1995 йилдан бери хориждаги муассасалар билан бир юз эликдан ортиқ англашув меморандумлари ва шартномалари имзолашга муваффақ бўлинди. Аҳамиятлиси, мазкур халқаро ҳамкорлик алоқалари дунёнинг тиббиёт соҳасида етакчи давлатлари, жумладан, Россия Федерацияси, Беларусь, Қозғистон, Корея Республикаси, АҚШ, Германия, Италия, Испания, Португалия ва бошқа давлатларнинг институт ва клиникалари билан амалга оширилмоқда. 2019-2020 ўқув йилидан эса Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошида Россия Федерациясининг Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети ҳамкорлигида халқаро факультет ташкил этиш кўзда тутилган. Мазкур халқаро факультет таркибиде бакалавр йўналишида педиатрия ва даволаш иши, магистратурада соғлиқни сақлашни бошқариш таълим йўналишлари ҳамда педиатрия, неонатология ва болалар жарроҳлиги бўйича клиник ординатура йўналишида қўшимча дастурларни ташкил этиш ҳам режалаштирилган. Шу билан бирга, Германия Федератив Республикасининг Маннхайм университети клиникаси билан педиатрия ва тиббий радиология, нур терапияси бўйича қўшимча резидентура дастурлари ҳам амалга оширилмоқда. Яна бир гап. Клиник базалар билан ҳамкорлик ҳам яхши натижа бериши амалиётда кўп бор кузатилган. Бакалавр, магистр ва клиник ординаторлар тахсил олаётган қирқ саккизта клиник базанинг саккизтаси илмий ихтисослашган марказлар бўлиб, бу албатта, таълим жараёнини фан билан интеграциялашувига олиб келади. Институт қошидаги клиникада ўн бешта кафедра клиник база сифатида жойлаштирилган бўлиб, у ерда тахсил олаётган талабалар назарий билимларини амалий кўникмалар билан



бойитиб боради. Шу аснода профессор-ўқитувчилар иштирокида бемор кўригида ҳамда ҳар хил диагностика амалиётларда иштирок этиши мумкин.

Соғлиқ қадри ўз вақтида

Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги клиникада фаолият юритадиган қўли енгил шифокорларнинг кўмаги ҳамда астойдил жон қойишти билан турли касалликлардан азият чеккан кўплаб болажонлар тузалиб, хасталиқни кўрмагандек бўлиб кетмоқда. Ахир, фарзандини соғсаломат юрганини кўрган ота-онан дан бахтиёр, шод одам бўлмас керак. Негаки, саломатликка ҳеч нарса етмайди. Бугунги кунда мазкур клиникада мингга яқин ходим меҳнат қилади. Уларнинг нақд 214 нафари шифокор, 383 нафари ҳамширалардан иборат.

Шифокорлар эрта ми азгалари бўлган болажонларнинг соғлом бўлиши учун қайғуришади. Шу мақсадда институт клиникаси ходимлари иштирокида биргина ўтган йилнинг ўзида кўплаб халқаро акциялар ўтказишга муваффақ бўлинди. Мазкур акцияларда Ҳиндистон, Жанубий Корея, Туркия, Санкт-Петербург, Москва, Новосибирскдан келган таниқли шифокорлар ҳам иштирок этишди. Айниқса, Беларусь, Греция, Туркия, Россиянинг Москва, Санкт-Петербург, Иваново, Ульяновск шаҳарларидан келган етук мутахассислар иштирокида институт клиникасида ўтказилган маҳорат дарслари жуда катта натижа берди. Шу билан бирга, ўн икки нафар ходим хорижийнинг нуфузи баланд клиникаларида маляка ошириб қайтди. Улар хозирда ўз билим ва кўникмаларидан иш жараёнида фойдаланмоқда.



Ёшлар маънавияти соғлом бўлса...

Ёшлар маънавиятини юксалтириб бориш, уларнинг дарсдан кейинги бўш вақтини мазмунли ва кизикарли ташкил этиш вазифалари мамлакат микёсидеги катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга саналади. Негаки, келажак авлод тақдирига, ҳаётига эътибор — она Ватан тақдирига, унинг эртасига бўлган улкан дахлдорликдир. Институт ахборот-ресурс маркази умумий фонди 52 минг 609 номдаги адабиётларни жамлаган. Шу боис мазкур ўқув маркази доимо талабалар билан гавжум бўлади. Шунингдек, илм даргоҳи ахборот-ресурс маркази ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилган ва унда белгиланган вазифалар бўйича миллий кутубхона орқали дунё адабиётларининг маълумотлар базасидан фойдаланиш имконияти яратилди. Бу эса илмнинг машаққатли йўлини тутган ёшларга жудаям қўл келмоқда.

— Биласизми, ёшлардаги битмас-туганмас куч-ғайратни тўғри мақсадга йўналтириш учун улардаги маънавиятни муттасил равишда юксалтириб бориш талаб этилади, — дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг ёшлар масалалари бўйича проректори, фалсафа фанлари номзоди, доцент Муборак АХМЕДОВА. — Гапнинг бўларини айтганда, мазкур жараён ёш нихоллардаги ватанпарварлик, танланган соҳасига бўлган меҳрли шакллантириш ҳамда жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғусини тарбиялаш билан узвий боғлиқдир. Илм даргоҳида ёшлар иштирокида ўтказилаётган турли кўнгилочар тадбирлар давомиде бу нарсага жиддий аҳамият қаратилмоқда. Иқтидорли ёшлар билан доимий тарзда ишланаётгани туфайли биргина 2017-2018 ўқув йилининг ўзида қирқ икки нафар талаба турли йўналишларда голиблик шохсупасига кўтарилди. Улар орасида Президент, Ибн Сино, Исрол Каримов номида-

ги давлат стипендияларига лойиқ топилган йигит-қизлар ва бошқа қатор нуфузи баланд беллашувлар юқори поғонасига кўтарилган ёшларнинг борлиги кўнгилни тоғ мисол юксалтиради. Бундай иқтидорли ва салоҳиятли талабалар ўқиш ва жамоат ишларида барча тенгдошларига ўрناк бўлиб келмоқда.

Бинафшага чўлғонган олам

Бинафша,
исмингиз умидли,
Нафосат тўла —
Бинафша.
Яна бир йил,
оҳ, бир йил ўтди.
Эй, умр,
сен бунчалар шоиша!

Қаранг, институт талабалари иштирокида шеърхонлик бўлаётган паллада давра ахли, яъни талабалар, ота-оналар, устозлар худди денгиз мисол тўлқинлариде. Шеър кетидан, янги, дилбар ашёрлар тинимсиз янгради. Назаримда бу тадбир адабиётнинг, шеърятнинг ҳақиқий байрами эди. Талабаларнинг энг нури ва унутилмас лаҳзалари, олтин давр билан узвий боғлиқ эди. Илм даргоҳида ўзбек шеърятининг асосчиси Алишер Навоий ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобур бобомизнинг таваллуд қунига бағишланган шеърят кечалари ҳар йили қанда қилмасдан ўтказиб турилади. Баҳонада сўз сеҳргарларининг кўпдан-кўп мағзи тўқ шеър, ғазаллари ёлдан ўқилади. Аслида бундай тадбирларни ўтказиб туриш асносида талабалар қалбиде буюк тарихимизга нисбатан муҳаббат уйғонади.

Спорт тинчлик элчиси, халқларни бир-бирига узвий боғловчи воситадир. Илм даргоҳида талаба-ёшларнинг бўш вақти спорт билан ҳамнафас ўтар экан. Ям-яшил майдонда спортнинг бирор-бир тури билан астойдил шуғулланаётган сон-саноксиз ёшларни кўрганимда бунга яққол амин бўлидим. Республика микёсиде ўтказилган кўрик-танловларда сўнгги йиллар ичиде 119 нафар талаба голиб деб топилди. Шунингдек, институт талабалари спортнинг халқаро ва республика чемпионати ва бошқа турнирларда йигирмата олтин, ўн битта қумуш ва тўртта бронза медалларни кўлга қиритганлар. Тўғри, бундай натижаларга эришиш учун тинмасдан машқ қилишга, ўз устида ишлашга тўғри келади. Талабалар эса бу шарафли вазифани қойиллатиб уудалашмоқда.

Ҳаётда спорт, мусика ёки санъатнинг бирор-бир тури билан шуғулланган ёшлар хамиша эзгуликка мойил бўлиб ўсади. Энг муҳим ва асосийси бундай ёшлар ҳеч қачон бизга ёт гоьларга эргашмайди. Улар фақат ўз олдига қўйган мақсад сари интилади.

Сирасини айтганда, Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси ҳаётимизнинг мазмуни ва қувончига айлиниб улгурган болажонлар соғлиғи йўлида хизмат қиладиган етук ва малакали мутахассисларнинг янги авлодини тарбиялаб беришдек шарафли вазифани катта масъулият билан адо этиб келяпти. Зеро, ҳаётимиз болажонларнинг шўҳ ва қувнок кулгиси билан файзли ва тароватлидир.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Оила даврасида» муҳбири

Реклама ўрнида



АРОСАТДА ҚОЛГАН БОЛАЛАР

Уларнинг тақдирига ҳар биримиз жавобгармиз,
аммо бу кимни ўйлантирапти?

Бугун хорижга бориб ишлаш ҳақида гап кетса «ҳеч ким хорижга ҳавасга кетмайди» ёки «мусофирчиликнинг азобини тотганлар билади», деган баҳс-мунозараларга дуч келамиз. Ўзбекистон Марказий Осие минтақаси бўйича миграция масаласида энг олди мамлакатлардан бири эканлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Кўпчилик «борига қаноат қилиб яшаш керак, мана биз ойликка яшаб оч қолаётганимиз йўқ-ку», деган фикрларни ҳам билдиришади. Хуллас, ҳамма ўздан ўтганини ўзи биладиган замон ҳозир. Биз у ёққа кетиб ишлаётганларни ёки озгина ойликка қаноат қилиб яшаётганларни муҳокама қилишдан йироқмиш. Аммо ҳамон бир масала очкилиги ва ўз ечимини топмаётгани бизни кўпроқ ташвишлантирмоқда. Яъни, миграция тўғрисида пароканда бўлаётган ёки номи бору ўзи йўқ оилаларда тарбия топаётган болаларнинг кейинги ҳаёти барчани бу масалада жиддийроқ фикр юритиб кўришга ундамоқда. Бу жамиятнинг оғрикли нуқталаридан бирига айланаётир.

«Тузалишни истамайман...»

— Болам, айт нима ейсан, нима ичсан, ҳозир истаган нарсангни қаердан бўлса ҳам топиб келаман, — башанг кийинган ёш жувон қўллари тахтакачланган боланинг бармоқчаларини силайдди. — Балки уйдан севимли ўйинчоғингни олиб келиб берарман.

— Ойижон, сиз энди кетиб қолмайсизми? — болакай бинт билан ўралган бошини қимирлатди, озриқдан юзлари тиришди. — Тузалганимдан кейин кетиб қолмайсизми, — деди хазин товушида.

— Нимага ундай деясан, — деди аёл саволга савол билан,

ахир мен кўў-ўп пул топянман, сенинг яхши кийинишинг, ўртоқларинг олдида ҳеч нарсадан кам бўлмаслигинг учун ишлашим керак.

— Ҳамманинг ойиси олдида, сиз эса узоқдасиз. Мен тузалишни истамайман...

— Ундай дема, тузалишниг учун ҳамма нарсага тайёрман.

— Мен қанча тез тузалсам, сиз олдимдан шунча тез кетиб қоласиз...

Боши билан йикилиб шифонада ётган жиянимдан хабар олишга борганимда кўрган ўша воқеа хануз ёдимда. Онаси олдида жилмаслиги учун касалликдан соғайишни истамаган болакай ҳамон кўз ўнгимда.

Отасиз нишонланаётган байрамлар

— Ойижон дадам бу гал тузилган кунимга келадими?

Назокат ўзлигининг бундай саволларидан безиб қолган. Шунинг учун ҳар доимийдай кўзларини олиб қочанча жавоб беради:

— Дадам тузилган кунингга жуда кўп совғалар жўнатади.

— Менга дадамнинг совғаси эмас, ўзи керак. Ҳамманинг دادаси бор. Менинг ҳам дадам ёнимда бўлишни хоҳлайман...

Танишим Назокатнинг уйда гувоҳи бўлганим ушбу воқеани ҳам ҳеч унутолмайман. Кўзлари мунгли, тўққиз йил давомида

отасини бор-йўғи икки марта кўрган, ота меҳри нелигини билмай мучал ёшини нишонлаётган Анвар ҳали ҳамон отасини кутади, ҳар тузилган кунини онаси ва укаси билан нишонлайди.

Дарҳақиқат, отаси ёки онаси баъзи ҳолларда ҳар иккаласи ҳам пул топши илнинида хорижда юраркан, фарзандларининг бугун тирик етимлардан қаери кам? Хўш, ундайларнинг оиласини тўлиқ оила деб бўладими?

Яқинда Анварнинг дадаси ҳақида яқинларимиз орасида миш-миш тарқалди — бошқа аёлга уйланиб олганмиш. Энди юртига қайтмасмиш.

Хўш, у эркакдан яна нимани кутиш мумкин? Оиласига садоқатними ёки вафодорлиқни? Аллақачон дастурхон бошида ўзининг оила бошлиқлигини унутган, хотинининг ўн йиллаб кўзига термулмаган, боласини бир бор бошини силаб эркатлмаган отадан нимани кутиш мумкин?

Хориж киноларида жуда кўп кузатганимиз эр-хотин асосан давлат иши деб болаларга вақт ажратмаётгани учун жанжаллашганини. Хотин турмуш ўртоғига болаларнинг тарбияси билан шуғулланмаётгани ёки уларнинг тўғарақлари, қатнашаётган танловларига борганини учун ҳатто ажрашишга боришади. Ва кино охирида ота ҳамма ишини ташлаб фарзандлари, оила давраси учун кўп вақтини ажратишга қарор қилади. Тасаввур қилайсизми, отанинг мусофир юрларда юргани эмас, бирга яшаб туриб вақт ажратмаётгани катта муаммо ҳисобланади. Ҳа

энди уларнинг иқтисодий аҳволи яхши-да, деб ўйлаётгандирсиз, аммо таассуфки чет элда юрган оталар майли, иқтисоди яхши бўлган оиланинг бошлиқлари ҳам чойхонаю гап-гаштакдан ортаслигидан кўз юмиб бўлмайди-ку ҳозир. Яъни бизда фарзанд тарбияси доимо энг охириги ўринларда қолиб кетмоқда.

Бир пайтлар болалар колониясига борганимда ҳар хил тақдирли болалар билан кўришганим. Онаси Россияда, отаси ҳам қайси-сидир чет давлатда ишлаётган К. Исмли ўсим бор эди. Кечаси болалар билан жанжаллашиб тан жароҳати етказган. Суд иши кўрилаётганда ҳам онаси келолмабди. «Депорт» қилиб юборишса қайтиб боролмасмиш, яъни ишдан ажралиб қолармиш. Энг ачинарлиси, ўша бола муддатини ўтаб чиқаётганда олиб кетишга ҳеч ким бўлмагани учун маҳалласидан одам чакиртирилган. Бундай ўсимларни деярли пул кизиқтирмайди. Ота-онасининг меҳри керак. Ана шу меҳрни тополмагач аламзада бўлиб қолади. Айнан ота-онасининг хорижда ишлаб топаётган пуллари — тўқлик тўғрисида киноягга қўл уриб қўйишади. Пули бўлган атрофида безори «дўст»лари ичкиликка, саёқ юришга ўргатишади. Афсуски, бу ерда ана шундай тақдирли болалар кўпчиликни ташкил қилади.

Танганинг иккинчи ТОМОНИ

Ойликка ҳам сабр қилиб яшаш мумкин, деган фикрларни инкор қилмоқчи эмасман. Аммо



Л.ЭГАМҚУЛОВА,
психолог:

— Ана шундай отаси ёки онаси хорижга кетган болаларнинг кўпчилиги билан суҳбатлашганман. Ҳаммадан яхши кийинади, қиммат телефонлар кўтаради. Аммо давоматлари паст, баъзида сабабсиз дарс қолдиришади. Отаси ҳам, онаси ҳам чет элда яшайдиган бош фарзанднинг ҳолигаку маймунлар йиғлайди. Укаларининг кир-чири, ош-овқатига қарайман деб бола шўрлик ўқишни ҳам йиғиштириб қўяди. Ота-онанинг фарзандлардан йироқда бўлиши руҳиятига жуда қаттиқ таъсир қилади. Отанинг онага, онанинг отага меҳр-муҳаббатини ҳис қилмаган болаларда оила тушунчаси жуда тор бўлади. Ва улар ҳам келгусида оила қурадиган бўлса жуфти ҳалолга юзаки қарайди.

Оилада хиёнат юз беришига келсак, аввало, эр-хотиннинг бир-бирига бўлган бефарқлиги сабаб бўлади. Бир-биридан узоқда яшаётган эр-хотинни бир-бирига қизиғи бор, деб бўлмайди. Шунинг учун хиёнат оралайди. Оиласидан йиллаб узоқда бўлган аёл ёки эркакнинг хиёнат қилмаслигига кафолат йўқ? Агар ҳар икки томоннинг бири жуфтнинг хиёнатига қўл силтаса, демак унга ҳақиқий эр ёки хотин эмас, шунчаки таъминотчи кераклиги маълум бўлади. Демак, улар ўртасидаги муҳаббат ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Хўш, ўртада муҳаббат бўлмаган оилани мустаҳкам дейиш мумкинми? Ўз муҳаббати, ўз оиласининг бахти учун қурашмаган, моддий бойликдан кечолмаган аёлни садоқатли жуфти ҳалол дейиш мумкинми? Яна бир гап. Ҳамюртларимизнинг чет элда сарсон бўлиб юришига ака-укаларнинг оқибатсизлиги, имконияти бўла туриб ёрдам қўлини чўзмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда.

6-бет ← ← ←

▲ АКС-САДО

Маданият бўлмаса, кундузи чироқ ёқиш фойдасиз

«Оила даврасида» газетасининг жорий йил 18 апрель 16-сонида «Йўл қоидаларида ўзгаришлар: кундузи чироқ, «стоп полоса», айланадаги устулик...» сарлавхали мақолани ўқиб, ўз фикр-мулоҳазаларимни баён этишга жазм қилдим.

Биз кундуз кунлари жуда ёруғ, куёшли ўлкада яшаймиз. Бундай шароитда транспорт воситалари чироғини ёқиб юриш тартибининг жорий этилишини нотўғри қарор деб биламан. Мақолада мутасаддилар бу йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиши мумкинлигини айтишмоқда.

Мен шифокорман. Қирқ йилдан ортук машина ҳайдаб, бирор марта ҳам йўл транспорт ҳодисаси содир этмаганман. Катта тажрибамдан келиб чиқиб, йўл-транспорт ҳодисасини келтириб чиқарувчи асосий сабаблар куйидагилар деб биламан:

Биринчидан, транспорт воситасини ҳайдашни мукамал билмайдиган ёки осонлик билан ҳайдовчилик гувоҳномасини қўлга киритган ношуд ҳайдовчилар;

Иккинчидан, ҳайдовчининг бошқа йўл-транспорт қатнашчиларини ҳурмат қилмаслиги, қолаверса манманлик билан мен сендан камманми дея, транспорт воситасини қувиб ўтиши;

Учинчидан, қоидага амал қилмасдан, шошма-шошарлик билан тез ҳаракат қилиши;


Тўртинчидан, ҳайдовчининг тўсатдан соғлиги ёмонлашуви оқибатида йўл-транспорт ҳодисаси юз бериши мумкин.

Кундузи чироқ ёқиб юриш тартибиде мени ташвишга солаётган асосий масала шуки, транспорт воситаларининг чироқларини ёқиб юриши ҳавода ис газини кўпайтириб, экологияга салбий таъсир кўрсатишидир. Қандай қилиб дейсизми?

Ахир чироқларни ёқиб юриш муайян миқдорда машина моторига ортиқча юклов, бу эса ёнилгининг ортиқча сарфи деганидир. Қолаверса, бу исрофгарчилик эмасми?

Ҳозирги шароитда озгина бўлса-да ис газини камайтириш глобал муаммо бўлиб турибди-ку. Аслида чироқни кундузи ҳам ёқиб юриш фақатгина туманли об-ҳавода ва катта бурилишларда ёрдам бериши мумкин.

Эколог олимлар нима сабабдан жим?



Улар автотранспорт воситасининг ҳаракатида ҳар қандай қўшимча ёнилги сарфи табиатга зиён эканини яхши билишадими-ку.

Мақсад йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш экан, унинг учун чироқларни ёқиб юришни талаб қилиш эмас, аксинча биринчи навбатда, автотранспорт воситаси ҳайдовчиларининг ва пиёдаларнинг билим савиясини, ҳайдовчилик маданиятини ошириш долзарб вазифа. Йўл қоидаларида риоя этиш инсон умри гарови эканини ҳар бир фуқаро онгига синдириш зарур!

Мен халқимнинг келажagini, соғлигини ва атмосферани заҳарли чикинди билан ифлослангани камайишини ўйлаб ўз фикримни билдиришим.

Нигматжон ЭШМУҲАММЕДОВ,
табиёт фанлари номзоди, шифокор

Самад муаллим

1969 йил, август ойи. Ҳаво ҳаддан ташқари иссиқ, куёш гўё олов пурқайди. Аммо Бухоро давлат педагогика институти ҳовлиси абитуриент ёшлар, уларнинг ота-оналари-ю яқинлари билан гавжум. Юзу-қўларда ҳаяжон. Талабалikka қабул қилинган йигит-қизларнинг чеҳраларида бир дунё севинч. Улар орасида Самад Нейматов ҳам бор. Тенгқурлари даврасида қувончини баҳам кўрмоқда. Нега қувонмасин, ахир, орзуси ушалди-ку. Тарих ва география факультетининг талабаси бўлди! Энди фақат маза қилиб ўқийди, тўйиб-тўйиб билим олади. Ахир бу бахтга эришиш осон эмас. Олдинга, фақат олдинга интилиш керак. Олдинда эса машаққатлар, қурашлар бор. Сабр-тоқат, ақл-идрок билан уларни энгиб ўтиш керак. Оддий деҳқон фарзандининг институтга кириши... бу катта гап.

...Бухоронинг Гиждувон туманидаги Қозқоработ қишлоғидаги оддий оила. Самад Неймат ака билан Мастура опанинг бир этак ўғил-қизлари ичида ўзининг тиришқоқлиги, серғайратлиги-ю, ўқишга бўлган қизиклиги зўрлиги билан ажралаиб турарди. Ҳар гал унинг дафтларларидаги «аъло» баҳоларни кўрган ота-она ич-ичидан қувонар, бағриларига босиб, «Сендан умидимиз катта» деб кўярди. Самад, айниқса, тарих фанини ўзгача бир меҳр билан ўрганарди. Бора-бора бу фан уни бутунлай сеҳрлаб қўйди. Энди у фақат тарих дарслиги билан чегараланиб қолмай, ўз юртининг ўтмишидан ҳикоя қилувчи бадий ва илмий-оммабоп китобларни ҳам мутолаа қила бошлади. Бу эса уни тарихнинг ҳайратли уммонига олиб кирди.

Самад институтни битириб, аввал ҳунартехника билим юртида, сўнг тумандаги 30-сонли умумтаълим мактабиде тарих ва география фанларидан дарс берди. Устозлар тажрибасидан баҳраманд бўлди. Маҳорат сирларини кунт билан эгаллади. Ўқитувчилик касби осон эмаслигини, бу шарафли нома мушарраф бўлиш учун кўп-кўп синовлардан ўтиш кераклигини, тер тўкиб меҳнат қилиш лозимлигини, зим-

масида залворли маъсулият турганлигини доим чуқур ҳис этди...

От айланиб қозгини топади, деганларидек Самад Нейматов ўзи таълим-тарбия олган кадрдон мактабиде қайтди. Мана, унинг илк дарси. Эшик дастагига қўл узатар экан, беихтиёр энтикиб кетди. Чуқур уҳ тортди. Нафасини ростлаб олгач, ичкари кирди. Ўқувчилар саломлашди. Танишувдан сўнг, дарс бошланди.

Муаллим тарих фани олдида турган вазифалар ҳақида шундай сўзладикки, бу бутун синф ўқувчиларини лол қолдирди. Танаффус эса қизгин савол-жавоб билан ўтди. Ўйлаб ўқувчилар тарих тўғрагига қатнашиш истагини билдирдилар...

Ўша йили шогирдларидан Олим Мардонов олимпиаданинг вилоят босқичида биринчи ўрин эгаллади. Бу ғалаба Самад Нейматовнигина эмас, унинг шогирдларини ҳам янада юксакроқ чўққиларни забт этишга илҳомлангирди. Кейинги йили бу ўрин унинг иктидорли шогирди Жамил Тошевга насиб этди.

Мустақилликнинг илк йилларида эса

Анора Тоғаева, Бону Исмоилова, Муҳиддин Мансуровлар устозлари Самад Нейматовнинг берган сабоқлари ва ишончини тўла оқлади. Улар тарих фани бўйича ўтказилган республика олимпиадаларида кенг камровли билимга эга эканликларини ёрқин намойиш этиб, танлов пиллапоясининг шох-супасига кўтарилишди. Гиждувон туманидаги Садриддин Айний номли умумтаълим мактабининг фахри бўлган қахрамонимиз олий тоифали ўқитувчи номига муносиб кўрилиб, Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими бўлди. Тажрибаси мактаблардан мактабларга кўчди...

Бирок, булар Самад Нейматовни димоғдор, ман-ман қилиб қўймади. Ундаги камтарлик, самимийлик, меҳр-оқибат буларнинг ҳаммасидан устун турди. Бош мақсад — ёшларни миллий ва умминсоний қўлига қараб қолишти. У энди нафақат мактабда, уйда ҳам тиним билмасди. Рафикаси Қизибиде билан елкама-елка туриб, рўзгор аравасини тортиди. Бунинг устига қўпдан ўйлаб юрган режаси — тегирмон куриб, уч-тўрт ёшни иш билан таъминлади.

Ҳа, меҳнатни, ўз касбини жон-дилидан севаган, кадрлаган инсон, маърифатпарвар муаллим Самад Нейматов бугун кадрдон касбдошлари-ю, шогирдлари, яқинлари даврасида йўқ. Аммо, уни мактабда ҳам, қишлоқда ҳам тез-тез ёдга олиб турдилар. Ёшларга намуна қилиб кўрсатадилар. Самад муаллим фахримиз дега гуруруландилар. Инсоннинг ўзидан яхши ном, том маънода яхши боғ қолдиргани шу-да.

Нуриддин ОЧИЛОВ,
журналист

Кўздан нари —
кўнгилдан йироқ
С. АЗИМОВА,
гадбиркор:

— Икки овсинни биламан. Бирини эрини ишлашга Россияга жўнатди. Иккинчиси «агар кетсангиз сиз билан яшамайман, болаларимнинг тирик етим бўлишини истамайман», дея эрини акасининг ортидан боришга қўймади. Орадан йиллар ўтди. Россияга ишлашга кетган эркак ҳар замонда оиласидан бир хабар олиб, охири умуман келмай қўйди. Иккинчи овсиннинг оиласига эса ҳавас қиласиз. Ўзим гувоҳи бўлганман, кичик овсин эрини чет элга жўнатмаслик учун хатто маҳалла фаолларини ҳам сахлахатга чақирган. «Кўздан нари — кўнгилдан йироқ» дейишадди. Оиланинг фақат моддий таъминотини ўйлаб, унинг мустақамлигига путур етказиб қўйиш керак эмас.

айтайлик ўқимаган ёлғиз она ишлаётган корхона ёки цехда 600 мингдан ошмаган ойлик билан яшаб бўладими? Бугунги замонда, талаб ва эҳтиёжлар кучайган даврда арзимаган маошга қайси эҳтиёжни қондириш мумкин? Баъзида Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи каби турли ташкилотларнинг иш ўринлари яратётган ва ёрдамга муҳтож оилаларни иш билан банд қилинаётгани ҳақидаги ҳисоботларга кўзимиз тушади. Аммо уларнинг меҳнат жараёнидаги ҳаёти-чи? Яратилган шарт-шароити, оладиган маоши-чи? Булар бирор маъсул раҳбарларни қизиқтирганми? Ва ўзларига савол бериб кўришгани «мана шу оилка мен оиламни боқа оламанми», деб. Юртимиз билан ўзаро ҳамкорлик қилаётган ишлаб чиқариш корхоналари ҳамюртларимизга бераётган озгина маош меҳнат вазирилик қошидаги меҳнат инспекцияси, касаба уюшма қўмиталари, Адлия вазириятининг инсон ҳуқуқлари бошқармаси томонидан ўрганиб кўрилганми? Ишга жойлаштириб, иш топиб бердик, деган билан кам таъминланган оилаларнинг барча муаммолари барҳам топадими? Муаммолар барҳам топмагач сўнгги чора сифатида хорижга «сурвораётган»ларни қоралашга ҳаққимиз борми? Тўғри, хориждан пул топиб келиб бир кунлик тўйга, дабдаба учун совури юбораётганлар ҳам бор, лекин бу алоҳида мазву.

Сўнг сўз эмас...

...Яқинда Анваржоннинг яна туғилган куни бўлди. У 14 ёшга қадам қўйди. Аммо бу гал туғилган кунини нафақат отасисиз, балки онасисиз нишонлади. Онаси ҳар олти ойда энг яхши сихаттоҳларда дам олишга боради. Ва энг таассуфланарлиси ўзидан анча ёш йигитга турмушга чиқиб кетди.

Тарбия колониясидан қайтган ўсмир йигитча эса ҳозирча кекса бувиси билан яшайди. Ўзининг айтишича келажаги нурсиз, қоронгу...

Барно СУЛТОНОВА

ЭЪЛО

Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги 63-умумтаълим мактаби томонидан 12.06.1992 йилда Аҳмедова Ҳайиткул Хамидуллаевнага берилган U № 3434358 рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

www.od-press.uz

«Оила даврасида»
газетасини қузатиб
боринг!



UZTELECOM

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» акциядорлик компанияси

Тошкент шаҳар телефон тармоғи филиали жамоаси




Мамлакатимизда фаолият юритаётган
алоқа соҳаси ходимларини
7 май – Алоқачилар касб байрами
ҳамда
9 май – Хотира ва қадрлаш куни
муносабати билан муборакбод этади!



Хонадонингизни осойишталик,
дастурхонингизни қут-барака
тарк этмасин!



Касб байрамингиз қутлуғ бўлсин!



Хизматлар тишенилган.

**OILA
DAVRASIDA**
Iltimoiy-aiyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси
тахририяти» масъулияти
чекланган жамияти

Бош муҳаррир
Хусниддин БЕРДИЕВ

МУАССИСЛАР:

Фукараларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Хотин-кизлар кўмитаси;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»;
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарқ» нашриёт-маъбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Танзила Норбоева, Кахрамон Куронбоев, Шавкат Жавлонов,
Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором
Тошмухамедова, Ином Мажидов, Элмира Боситхонова, Мизроб
Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Муҳаммаджон Куронов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Навбатчи — Б. Насимбоев
Саҳифаловчи — Х. Файзуллаев

Бу юртга: т-537 ISSN 2181-6190 Обуна индекси — 193
Ақли: 2971 лусса. Нархи: келинув асосида.
Қогол бичими А-3, ҳажми 2 босма табок.
Офсет усулида босилган.
Чоп этишга топширилди: 19:00



123456